

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш
соҳасида жисмоний ва юридик шахслар
муурожаатларида кўтарилган масалаларни ҳал этиш
натижадорлиги тўғрисида
ҲИСОБОТ**

Ассалому алайкум,

Ҳурматли депутатлар ва йиғилиш иштирокчилари!

Муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган асосий вазифалардан бири – “**Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили**”га қаратилган сиёсатни амалга оширишда **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги** соҳаси муҳим ўрин тутди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида муурожаатлар билан ишлаш бўйича самарали тизим жорий этилган.

I. Жорий йил давомида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига Олий Мажлис Сенати (қўмиталари) ва Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жами **179 та (173 та жисмоний шахслар ва 6 та юридик шахслар)** муурожаат юборилган.

Улардан **3 та**си архитектура ва шаҳарсозлик, **6 та**си ер майдони ажратиш, **44 та**си ноқонуний қурилмалар, **27 та**си қурилишда сифат, **6 та**си қурилишда норматив ҳужжатлар, **4 та**си нотурар жойни турар жойга айлантириш, **2 та**си ходим хатти-ҳаракатлари, **1 та**си қурилишга рухсат бериш, **3 та**си пудрат-рейтинг масаласи, **32 та**си ичимлик суви ва оқова таъминоти муаммолари, **17 та**си кўп хонадонли уйларни бошқариш (**ХУЖМШ ва БСК**) фаолиятдан норозилиги, **6 та**си кўп қаватли уйларни таъмирлаш масаласида, **5 та**си иссиқлик таъминоти муаммолари, **3 та**си кўп қаватли уйларда ноқонуний қурилма, **1 та**си соҳа тизимини яхшилаш бўйича таклиф **19 та**си бошқа масалаларга тўғри келади.

Мурожаатларнинг **36 таси** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қўмиталари, **128 таси** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, **10 таси** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) ҳамда **5 таси** Халқ депутатлари томонидан юборилган.

Кўриб чиқиш натижалари:

- мурожаатларнинг **17 таси (9,5%)** ижобий ҳал этилган;

- **104 таси (58,1%)** бўйича тушунтириш берилган;

- **42 таси (23,5%)** ижобий ҳал этиш учун 25-моддага мувофиқ тегишли идораларга юборилган;

- **16 таси (8,9%)** ижобий ҳал этиш учун ижро жараёнида.

Шунингдек, муаммолар депутатлар сўровларига асосан ижобий ҳал қилинган. Мисол учун:

*Бухоро вилояти Бухоро шаҳрида истиқомат қилиб келаётган фуқаро **Қ.Саидахмедов**нинг қурилишни лойиҳалаштириш юзасидан берилган экологик хулосани бекор қилиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **М.Баратова**га қилган мурожаати мутассаддилар томонидан ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.*

*Тошкент шаҳар Яккасарой туманида истиқомат қилиб келаётган фуқаро **М.Аллахвердиев**нинг кўп қаватли уй-жойни (квартира) зилзилага бардошлиги бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Д.Б.Хамзаев**га қилган мурожаати тегишлилиги бўйича ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.*

*- Тошкент шаҳар Юнусобод туманида истиқомат қилиб келаётган **Д.Равшанбеков**нинг кўп қаватли уй олдида автотураргоҳ қуриш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Д.Исмаилова**га қилган*

мурожаати тегишлилиги бўйича ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида истиқомат қилиб келаётган фуқаро **Ф.Мажидованин**г саломатлик йўлакчасининг сифатсиз қурилиши бўйича Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) **Ф.Эшматов**ага қилган мурожаати тегишлилиги бўйича ўрганилиб, ижобий ҳал этилган.

II. Жорий йил давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами **23 399 та** мурожаат келиб тушган.

Хусусан, қурилиш ва бино-иншоотларга тегишли йўналишда **10 936 та (46,7%)**;

Уй-жойларнинг умумий мулкани сақлаш ва таъмирлаш ҳамда бошқарув ташкилотларининг фаолияти бўйича **8 234 та (35,2%)**;

Иссиқлик таъминотига тегишли масалалар юзасидан **1 639 та (7,0%)**;

шунингдек, бошқа масалалар бўйича **2 590 та (11,1%)** мурожаатлар рўйхатга олинган.

Кўриб чиқиш натижалари қуйидагича:

- **11 680 та**си ёки (**49,9%**) ижобий ҳал этилган;
- **6 116 та**сига ёки (**26,1%**) тушунтиришлар берилган;
- **783 та**си (**3,3%**) 25-моддага мувофиқ тегишлилиги бўйича юборилган;
- **25 та**си (**0,1%**) кўрмасдан қолдирилди;
- **28 та**сини (**0,2%**) кўриб чиқиш тугатилган;
- **4 767 та**си (**20,4%**) айна вақтда ижро жараёнида.

III. Тасдиқланган “Сайёр қабул” режа-жадвали асосида раҳбарият томонидан жорий йил давомида мурожаатлар юқори ҳамда кескин ўсган вилоятлар (Тошкент, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ҳамда

Тошкент шаҳри)да жами **24 та** “Сайёр қабул”лар ўтказилди. Қабуллар давомида **140 та** турли мурожаатлар келиб тушган.

Натижада қабулда кўтарилган масалаларнинг **34 таси** ижобий ҳал қилинган, **48 таси** жойида бартараф этилди, **36 тасига** ҳуқуқий тушунтиришлар берилди ҳамда **22 таси** ижобий ҳал қилиш учун назоратга олинди.

Мисол тариқасида, Сайёр қабул давомида Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 7 мавзе 33 уйда истиқомат қилиб келаётган фуқаро Алиева Суғдиёна кўп қаватли уйнинг умумий мулк қисмларида юзага келган муаммолар ва камчиликлар юзасидан мурожаати Бошқарув сервис компаниси томонидан бартараф этилди.

IV. Ҳисобот даврида мурожаатларни кўриб чиқишда камчиликларга йўл қўйган Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**3 нафар**), Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**1 нафар**) ва Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг (**2 нафар**), масъул ходимига нисбатан қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилган.

V. Соҳада аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва такрорий мурожатлар келиб тушишининг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

биринчидан, аппарат йиғилишларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати атрофлича муҳокама қилиб борилмоқда;

иккинчидан, Халқ қабулхоналари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, барча вилоятларда соҳа ташкилотларининг бир нафардан масъул ходимлари Халқ қабулхонасига доимий бириктирилди;

учинчидан, мурожаатлар сони ошган ҳудудларга алоҳида эътибор берилган ҳолда барча вилоятлардаги **Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда сайёр қабуллар** ташкил этилмоқда;

тўртинчидан, тизим ташкилотлари томонидан Халқ қабулхоналари билан **ҳамкорликда семинарлар** ташкил этиш йўлга қўйилди;

бешинчидан, Ҳудудий бошқармаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорининг 57-банди талабларига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш барча шарт-шароитлар яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби тўғрисида” 2022 йил 7 октябрдаги 582-сон қарор билан тасдиқланган низомига асосан, **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида** вазирликнинг марказий аппарати ҳамда вилоят бошқармалари, ва қуйи ташкилотлар жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимларининг **малакалари оширилди**;

олтинчидан, амалга оширилаётган ишлар вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва **оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда**;

еттинчидан, вазирлик тизимида фуқаролар ўз мурожаатларини ўзларига қулай усулда, яъни, оғзаки, ёзма, туну-кун фаолият кўрсатаётган **1298**-қисқа рақамли диспетчерлик хизмати, интернет, порталлар ёки ижтимоий тармоқлар орқали киритишлари учун барча шароитлар яратилган.

VI. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларида кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши юзасидан

Бугунги кунда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқлардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда соҳани ислоҳ қилиш бўйича **27 та Президент ҳужжатлари ва 24 та Ҳукумат қарорлари** қабул қилинган.

Ушбу ҳужжатлар доирасида қатор чора-тадбирлар ва ислохотлар амалга оширилди ҳамда бу борада муайян натижаларга эришилди.

Биринчидан, жорий йилда **225 та** шаҳарсозлик ҳужжатлари, жумладан **11 та** шаҳар ва **50 та** шаҳарчалар бош режалари, **42 та** ҳудудларнинг мастер режалари ҳамда **122 та** қишлоқларнинг бош режалари ишлаб чиқилмоқда.

Иккинчидан, биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид **10 та** норматив ҳужжатлар Европа стандартлари асосида такомиллаштирилди.

Учинчидан, лойиҳа ҳужжатларини **экспертизадан ўтказиш жараёнлари** шаффоф электрон тизимга ўтказилиб, экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди.

Тўртинчидан, иш турлари, қурилиш материаллари, машина ва механизмлари кўрсаткичларининг ягона базасини ўзида ифода этувчи **“Қурилиш ресурслари миллий класификатори”** ишлаб чиқилди.

Бешинчидан, қурилиш соҳасида давлат назорати такомиллаштирилди ва инспекциянинг назорат функциялари кучайтирилиб, объектларда назорат

ўрнатиш бўйича “Қурилиш назорати” ахборот тизими жорий қилинди.

Олтинчидан, соҳада бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида, “**Шаффоф қурилиш**” миллий ахборот тизими ишга туширилган.

Еттинчидан Республикамизда **1,4 миллионга** яқин хонадондан иборат **40 852 та** кўп квартирали уйлар мавжуд бўлиб, уларга **822 та** бошқарувчи ташкилотлар ва **142 та** ширкатлар хизмат кўрсатади.

2022-2023 йилларда бошқарувчи ташкилотлар томонидан **127 млрд. сўм** маблағ ҳисобидан **3 000 дан** ортиқ уйларда таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Бундан ташқари, собиқ ширкатлар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳамда санитар ва техник ҳолати “оғир” бўлган **4 583 та** ертўладан **1 129 таси**, шунингдек, деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган **1 846 та** уйнинг **402 минг кв.м** том қисми 2022 йил давомида бошқарувчи ташкилотлар томонидан таъмирланди.

Шу билан бир қаторда, уйларнинг кириш йўлакларига **60 мингдан** ортиқ ҳаракат датчикли чироқлар ҳамда **25 600 та** доводчик, **37 500 та** акфа ромлари, **6 474 та** домофон эшиклар ўрнатилган.

Саккизинчидан, жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида 2023-2024-йиллар мобайнида республикадаги **5 593 та** кўп квартирали уйни **251,2 млрд сўм** маблағ ҳисобидан куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича режа кўрсаткичлари тасдиқланган.

Жумладан, **1 952 та** уйнинг том қисмини, **4 713 та** кириш йўлакларни, **2 788 та** электр тақсимловчи шитларни, **1415 та** уйнинг ертўла қисмидаги муҳандислик коммуникацияларини, **353 та** уйнинг муҳандислик

тармоқларини, **1 215 та** уйнинг фасад қисмини таъмирлаш ҳамда **1 632 та** темир эшик, **1765 та** кодли қулфлар **5 191 та** фрамуга ойна ромларни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги **1 825 та** кўп квартирали уйларнинг, уй ичидаги муҳандислик (ётиқ ва тик) тармоқларини мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бунда, **944 минг п/м** иссиқлик тизими қувурлари, **282 минг п/м** иссиқ сув қувурлари, **338 минг п/м** ичимлик сув қувурлари, **268 минг п/м** оқова сув қувурлари ҳамда **437 минг п/м** уй ичидаги электр кабеллар, **27 502 та** электр тақсимловчи шитлар ва **1 532 та** элеватор боғланмаси таъмирланади.

Бугунги кунда, ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳрининг барча туманларида таъмирлаш ишларини бажариш учун пудрат ташкилотлари жалб қилиниб, **1 639 та** уйларнинг уй ичидаги муҳандислик тармоқларида таъмирлаш ишлари бошланган бўлиб, шундан, **1 427 та**сида ишлар тўлиқ якунланди.

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сон қарорига асосан, республика ҳудудида 2023 йил учун **450 та болалар майдончасини** қуриш ва таъмирлаш режа кўсаткичлари бўйича дастури тасдиқланган.

Уйларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида **36 та** болалар майдончасини қурилиб **155 та** таъмирланди.

Ўнинчидан, Республикадаги **10 810 та** кўп квартирали уйларда лифт ускуналари мавжуд. Шундан, **10 469 таси**

одам ташишга, **341 таси** юк ташишга мўлжалланган лифтлардир.

Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2027 йилларда республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 12 июндаги 376-сон қарорига асосан, республика ҳудудида **2021 йилда 50 та** лифт ускуналари таъмирланиб, **514 таси** янгиланди;

2022 йилда 16 та лифт ускуналари таъмирланиб, **607 таси** янгиланди;

2023 йил учун 532 та лифтларни янгисига алмаштириш ва таъмирлаш режа кўрсаткичлари бўйича айти вақтда **62 та** лифтлар янгисига **тўлиқ алмаштирилди.**

Ўн биринчидан, 2023 йил 1 январдан бошлаб уй-жой мулкдорларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва уларнинг тегишли мол-мулки кадастр рақамидан фойдаланган ҳолда **“Менинг уйим” биллинг тизими** ишга туширилди ва у орқали бошқарув органларининг жами **240,6 миллиард сўм** пул маблағи келиб тушди.

Ўн иккинчидан, кўп квартирали уйларнинг умумий маълумотларига эга бўлган электрон паспорт **платформаси** ишлаб чиқилди.

Ушбу **платформанинг** ахборот тизимида кўп квартирали уйларнинг тегишли маълумотлар базасини автоматик шакллантириш мақсадида кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамларига боғланиб, ягона манзиллар реестри билан интеграция қилинади.

Ўн учинчидан, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш учун амалга оширилган лойиҳалар самарадорлигини ошириш ва лойиҳаларни тўлиқ якунлаш учун **23 минг 400 та** хонадондан иборат **535 та** кўп

қаватли уйларнинг ички иссиқлик тизмини тиклаш учун **46 млрд. сўм** маблағлар ажратилди. Бугунги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўн тўртинчидан, 2023 йилда республиканинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида яъни, Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги 465-сон қарорига кўра, 2023 йилда республикадаги кўп квартирали уйларнинг марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида **12 та** қозонхона ва **20 км** иссиқлик тармоқларида модернизация ва реконструкция ишларини янгидан бошлаш. Бунда:

3 та қозонхона ва **5 км** иссиқлик тармоқларини янгидан қуриш;

9 та қозонхона ва **15 км** иссиқлик тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари амалга ошириш назарда тутилади.

Ўн бешинчидан, республикадаги кўп квартирали уйларнинг марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича **2023 йил инвестиция дастури** доирасида **13 та** (4 та янги қурилиш, 9 та реконструкция ва модернизация) иссиқлик таъминоти объектлари қурилиши, реконструкция ва модернизация қилиниш учун **247,15 млрд сўм** маблағлар ажратилган.

Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2023 йил 16 июндаги 49/46-сонли баёнига асосан Инвестиция дастурига **1 та** объект (*Навои вилояти Зарафшон шаҳрининг 13,14,19-кичик туманларида*

қурилаётган янги уй-жойларнинг иссиқлик тизимларини қуриш) янги киритилди.

Жами **14 та** иссиқлик таъминоти (*1 та янги киритилган объект билан*) объектларидан:

2 та объект (Термиз шаҳри РК-5 ва РК-6) Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2023 йил 6 апрелдаги 31/6-сонли мажлиси баёнига асосан ажратилган маблағлар қайта тақсимланиб, **43,89 млрд сўмга** камайтирилди ҳамда объектлар тўхтатилган. Аммо, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2023 йил 21 августдаги 71-сон мажлиси баёнига асосан мазкур қозонхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш қайта тикланиб, 2023 йил учун **7,42 млрд сўм** маблағ ажратилган.

Натижада **12 та** объект учун 2023 йилга **184,2 млрд сўм** маблағ қолдирилган.

Бугунги кунда **10 та** объект бўйича пудрат ташкилоти аниқланган. **1 та** объект (*Учқудуқ шаҳрида қозонхонани реконструкция ва модернизация қилиш*) лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, давлат экспертизаси ва комплекс экспертиза хулосаси олинган бўлиб, тендер савдолари 2023 йил 25 сентябрда якунланган.

1 та (*Навои вилояти Зарафшон шаҳрининг 13,14,19-кичик туманларида қурилаётган янги уй-жойларнинг иссиқлик тизимларини қуриш*) объект бўйича лойиҳа ташкилоти аниқланиб (**ЎЗБЕККОММУНАЛЛОЙИҲАҚУРИЛИШ УК**), лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

2023 йил 29 сентябрь ҳолатига **87,05 млрд.сўм** (йиллик режага нисбатан - 47%) маблағ ўзлаштирилиб,

96,06 млрд.сўм (йиллик режага нисбатан - 52%) маблағ молиялаштирилди.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида **4 900 та** хонадондан иборат **139 та** кўп квартирали уйлар ва **15 та** ижтимоий соҳа объектлари иссиқлик энергияси билан таъминланади. Шунингдек, **7 млн. метр** куб табиий газ сарфи олди олинади.

Ўн олтинчидан, республика аҳолисини марказлашган ичимлик суви таъминоти билан таъминлаш даражасини **77 фоизга** етказиш режалаштирилган.

2023 йилда 2 150 та объектларни қуриш учун давлат бюджетидан **4,055 трлн.сўм** ва **20 та** йирик лойиҳалар (қурилиш) учун хорижий молиявий институтларнинг **265,8 млн.доллар** кредит маблағлари жалб этилган режалаштирилган.

Ҳисобот даврида (01.08.2023 й) **3,2 трлн.сўм** давлат бюджети **123,5 млн** долларлик кредит маблағлари ўзлаштирилиб, жами **7 999,2 км** ичимлик ва **392,5 км** оқова сув тармоқлари тортилди, **1 207 та** ичимлик ва **59 та** оқова сув иншоотлари қурилди.

Натижада **830 минг** аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланиб, **470 минг** аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди.

Ташкил этилаётган “**Янги Ўзбекистон**” массивларида (2022-2024 йилларда) **40 та** объектларга ичимлик суви ва оқова сув хизматлари кўрсатиш учун **259,5 млрд.сўм** молиялаштирилиб, **147,5 км** ичимлик ва **66.2 км** оқова сув тармоқлари тортилди ҳамда **9 та** иншоотлар қурилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022 йил 25 октябрдаги ПҚ – 408 – сон** қарорига асосан, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида **1 806 та** объектларда **7 014,3 км** ичимлик ва **198,9 км**

оқова сув тармоқлари тортилди ҳамда **1 093 та** ичимлик ва **7 та** оқова сув иншоотлари қурилди;

27 та янги қурилаётган кўп хонадонли уй-жой массивларини ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш учун **43,4 млрд.сўм** молиялаштирилиб, **29,4 км** ичимлик ва **32,6 км** оқова сув тармоқлари тортилди ҳамда **12 та** иншоотлар қурилди;

Ўн еттинчидан, Ўзбекистоннинг олис ҳудудларидаги аҳолини ижтимоий буюртма лойиҳалари асосида тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан 2023-2024 йилларга мўлжалланган Ижтимоий буюртмалар механизми асосида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилиб, буюртма асосидаги лойиҳаларни амалга оширишда ҳудуддаги аҳоли фикрини ўрганиш ва уларнинг иштирокини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур дастурлар амалга оширилиши натижасида фуқаролар томонидан мурожаатлар сони кескин камайишига эришилди.

2023 йил учун белгиланган режаларни бажариш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотларида устувор вазифамиз сифатида мурожаатлар билан ишлаш бўйича ишларни янада жадаллаштириб, бу борада масъулиятни кескин оширамиз. Ҳар бир мурожаатда кўтарилган масалага алоҳида ёндошиб, уларни ҳал қилиш бўйича барча чораларни кўрамиз.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Ҳисоботим тугади!